

Хоҳласанг, ибрат ол



08:08 / 06.07.2020 2541

Атодан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазизнинг вафотидан сўнг у кишининг аёллари Фотима бинт Абдулмаликнинг ҳузурига кириб, «Эй Бинт Абдулмалик, менга мўминларнинг амири ҳақида гапириб беринг» дедим. Аёллари: «Хўп, айтиб бераман. Лекин тирик бўлганида бундай қилмас эдим. Умар одамлар учун ўзидан буткул кечган эди. Уларни деб куни билан бир жойда ўтирар эди. Куни билан ишлагандан сўнг ҳам айрим ишлари тугамай қолса, кунни тунга улар эди. Одамларнинг ишларини тамомлагач, ўз пулига сотиб олинган чироқни ёқишни буюрар эди. Кейин ўрнидан туриб, икки ракъат намоз ўқир, сўнг ўтириб, бошини қўлига қўяр ва кўз ёшлари шашқатор бўлиб дуо қиларди. Хириллаб йиғлаган пайтида жигари эзилиб, жони чиқиб кетдимикан, деб қолардим. Бир куни тонг отгунга қадар шундай ўтирдилар. Кейин рўза тутдилар. У кишига яқин келиб, «Эй мўминларнинг амири, кеча сизга бирон нарса бўлдимми?» дедим. У киши: «Ҳа. Мени ўз ҳолимга қўй. Ўзингнинг ишингга қара», дедилар. «Мен сизнинг ҳолатингиздан ибрат олмоқчиман», дедим. Умар шундай деди: «Бўлмаса айтиб бераман. Ўйлаб кўрсам, бу умматнинг каттасию кичигига, қорасию қизилига амир эканман. Кейин ҳеч нарсаси йўқ ғариблар, муҳтож, фақирлар, дом-дараксиз йўқолган маҳбуслар ва шунга ўхшаш шаҳар ҳамда мамлакат атрофидаги одамларни эсладим. Билдимки, Аллоҳ таоло мендан улар ҳақида ҳам сўрайди. Бунга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужжат бўладилар. Шундан қўрқиб, кўзларимга ёш келди, шунинг учун қалбим қўрқувга тушди. Бир сўз айтганим сари қўрқувим янада ортиб

борди. Эслаганим сари даҳшатим зиёда бўлди. Мен сенга айтиб бердим.
Хоҳласанг, ҳозир ибрат ол, хоҳласанг унут!» дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан